

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Rupinski K, Berger S, Klooster B, Moreno-Koehler A, Ibrahim N, Dickie G. PCR119 Who We Are Matters: Inclusive Demographic Data Collection in Patient-Centered Outcomes Research // Value in Health. Volume 25, Issue 12, Supplement, December 2022, Page S413
2. Meidad Kissinger, Yuval Damari. Household metabolism: Integrating socio-economic characteristics and lifestyles on individual and national scales as a mean for advancing environmental management // Journal of Environmental Management. Volume 279, 1 February 2021, 111526
3. Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик прогнозлашнинг услугий асослари. -Т.: Инновацион ривожланиши нашриёти, 2019. - 22 б.
4. Hafner K.A., Mayer-Foulkes D. Fertility, economic growth, and human development causal determinants of the developed lifestyle // Journal of Macroeconomics. Volume 38, Part A, December 2013, Pages 107-120
5. Huo Jie and et. Sustainable energy policy, socio-economic development, and ecological footprint: The economic significance of natural resources, population growth, and industrial development // Utilities Policy. Volume 81, April 2023, 101490
6. Касимов А.А. Меҳнат бозрининг ривожлантириши ва аҳоли бандлигини таъминлаш ўйлари. //Journal of marketing, business and management. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 21-28.
7. Alexander M.Danzera, Robert Grundke. Export price shocks and rural labor markets: The role of labor market distortions // Journal of Development Economics Volume 145, June 2020, 102464. <https://doi.org/10.1016/j.jdeveco.2020.102464>
8. Ege Aksua, Refik Erzanb, Murat Güray, Kirdar The impact of mass migration of Syrians on the Turkish labor market, Labour Economics, Volume 76, June 2022, 102183
9. Йўлдошев Н.Қ. Замонавий менежер қандай бўлиши керак? // Халқ сўзи газетаси 2021 йил 15 декабрь
10. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдуррамонов Х.Х., Сайдов Н.Р. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлашнинг стратегик ўйналишлари (монография). – Т.: “Инновацион ривожланиши” нашриёт-матбаа уйи, 2020, 278 бет.
11. Najimadinov R.D. Responsibility of demographic changes in uzbekistan for labor market management/ American Journal of Interdisciplinary Research and Development ISSN Online: 2771-8948 Website: www.ajird.journalspark.org Volume 08, Sep., 2022
12. <https://www.toshvilstat.uz>



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нигмаджанов Учқун Холметович -
“ТИҚҲММИ” Миллий тадқиқот
университети профессори, и.ф.д.

 doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a29

Аннотация. Мақолада инсон капиталини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидалари ёритиб берилган, шунингдек, билим турлари, категорияларининг шаклланиши ва ривожланишининг қисқача тарихи баён этилган. Бунда Россия ва мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу концепциянинг ривожланиши таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистонда давлатнинг инсон капиталини ошириш борасидаги амалий ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф учта янги тамоийл асосида инсон капитали категориясига ва унинг тузилиши ҳақида ўз таърифини берган.

Ключевые слова: инсон капитали, ишчи кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, жами ишчи кучи, даромад, ижтимоий қониқиши, билим турлари, қобилият ва мотивация, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш.

ОСОБЕННОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Нигмаджанов Учқун Холметович -
д.э.н, профессор Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства”

Аннотация. В статье раскрыты основные положения концепции развития человеческого капитала, изложены виды знаний, краткая история становления и развития этой категории. Проведен анализ развития данного понятия учеными России и нашей страны. Особое внимание обращено практическим действиям государства по росту человеческого капитала в период нового Узбекистана. Обоснована третья сторона способностей человека к инвестициям, лежащая в основе авторского определения данной категории и его структуры, с учетом особенностей менталитета народа и целей страны.

Ключевые слова: человеческий капитал, виды знаний, виды способностей человека мотивация, рабочая сила, трудовые ресурсы, человеческие ресурсы, совокупная рабочая сила, рост заработков, социальная удовлетворенность, богатство страны, расширенновоспроизводство.

FEATURES OF THE FORMATION AND USE OF HUMAN CAPITAL IN THE NEW UZBEKISTAN

Nigmatjanov Uchkun Kholmetovich -
*Professor of the National Research University
 "TIIAME", Doctor of Economics*

Annotation. The article reveals the main provisions of the concept of human capital development, outlines the types of knowledge, a brief history of the formation and development of this category. The analysis of the development of this concept by scientists of Russia and our country is carried out. Particular attention is paid to the practical actions of the state on the growth of human capital during the period of renewal и нового of Uzbekistan. The author substantiates three fundamental principles underlying his new definition of the category of human capital and its structure.

Keywords: human capital, types of knowledge, abilities and motivation, labor force, labor resources, human resources, total labor force, wage growth, social satisfaction, country's wealth, expanded reproduction.

Кириш. Президентимиз ташаббуси асосида амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси 2017 йилда беш йилга мўлжалланган мамлакат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди, кейинчалик янгиланаётган Ўзбекистон босқичи деб аталди. У жамият ҳаётининг барча соҳаларида 32,7 миллион аҳоли (ҳозир деярли 36 миллионга етди) ҳар бирининг манфаатларини кўзлаб муҳим ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган эди.

2017-2021 йилларда ялпи ички маҳсулот 2,8 баробарга, аҳоли жон бошига 2,6 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,6 баробар, қишлоқ хўжалиги 3,4 баробар ошди [1].

Асосий капиталга ички инвестициялар билан бир қаторда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 9,8 баробар ошди. Умуман олганда, сўнгги 5 йил ичida хорижий давлат ва компаниялар томонидан мамлакатимиз тараққиётига 25 миллиард доллар миқдорида катта маблағ йўналтирилди.

Бундай реал ва анча юқори иқтисодий натижалар ўта муҳим демократик ўзгаришлар билан биргаликда одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди. 2017 йилгача мавжуд одамларнинг салмоқли қисми учун ҳаёт даражаси ва шароитларини ошириш имкониятларига нисбатан пессимизм деярли бутун аҳоли оммавий коррупцияга қарши қатъий кураш фонида кейинги йилларда фаол бунёдкорлик иштиёқи ва иродаси, келажакка бўлган юксак ишончи билан ўзгарди.

Бундай оптимизм давлат етакчисига Ўзбекистон тарихий тараққиётида бўлажак Учинчи Уйғониш даврига пойдевор қўйишдек эзгу ва улуғвор мақсадни эълон қилиш учун кучли замин бўлди. Шубҳасиз, бу энг қийин ва олийжаноб мақсадга эришиш қўйидаги бир-бирига боғлиқ учлик вазифасини амалга оширишни талаб қиласди: булар бутун аҳолининг миллий ўзига хослиги ва маданиятининг ўсиши; барча даражадаги таълим жараёни сифатини ошириш; фан ва илмий тадқиқотларнинг ҳар томонлама ривожлантириш.

Бу мамлакат раҳбарининг Ўзбекистон тарихий тараққиётида бўлажак Учинчи Ренесанс даврига пойдевор қўйишдек эзгу ва улуғвор мақсадни эълон қилиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди. Маълумки, бу энг мураккаб мақсадга эришиш учлик вазифасини амалга ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш ва фаоллаштиришни талаб қиласди: бутун аҳолининг миллий ўз-ўзини англаши ва маданиятини юксалтириш; барча даражадаги таълим жараёни сифатини ошириш; фан ва илмий тадқиқотларнинг ҳар томонлама ривожланниши: илмий-техникавий тараққиётнинг замонавий шароитида иқтисодий ҳодисалар тобора инновацион ва ривожланиш характеристига кўра фанни талаб қиласидан хусусиятга эга эканлиги; ишчиларнинг аксарияти иқтисодиётни бошқаришда ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта бошлаганлиги, хусусан янги Конституция лойиҳаси, қонунлар, беш йиллик Ҳаракатлар ва ривожланиш стратегияларини ва уларни амалга ошириш бўйича йиллик Давлат дастурлари, Президент ва ижро ҳокимияти органи вакилларнинг ишбилармонлар билан даврий равиша ўтказилаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этишининг тезкор йўллари юзасидан мунтазам учрашувлари.

Юқоридаги ҳолатлар ишли кучини тақрор ишлаб чиқариш заруратини белгилаб берди. XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда ишли кучи (меҳнат ресурслари) янгича талқин қилиниб, инсон капитали деб аталди. Бу инсоннинг фаронлигини оширувчи, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини ва унинг бойлигини энг муҳим ҳаракатлантирувчи ишлаб чиқарувчи куч сифатида намоён бўлди.

Кейинчалик ушбу категория Россия Федерациисида XX асрнинг 90 йилларида ва фақат 2010 йилдан Ўзбекистонда бу тушунчага оид нашрлар вақти-вақти билан пайдо бўла бошлади.

Шу муносабат билан бир қатор саволлар туғилади: инсон капиталини ривожлантириш

концепциясини шакллантириш ва тушунтиришда Ўзбекистон олимларининг тутган ўрни қандай; уни ўрганиш даражаси билан боғлиқ вазият қандай; ушбу концепцияга ва унинг таркибий элементларига республика олдида турган шарт-шароитлар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тушунтиришлар киритилганми; маблағларни инвестициялашдан олинган фойда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир тури бўйича акс эттирилганми; ишчилар иш ҳақининг умумий, маҳсус ва бошқа билим турларига боғлиқлиги қандай; давлатнинг иқтисодий сиёсатида ва уларни амалга ошириш амалиётида инсон капиталини ривожлантиришга қай даражада эътибор берилмоқда ва ҳоказо?

Афсуски, бизнинг кейинги таҳдилларимиз шуни кўрсатдики, маҳаллий иқтисодчилар томонидан илгари сурилган саволларга ва ушбу категорияга тегишли бошқа саволларга тўлиқ аниқ жавоб топа олмадик.

Қолаверса, шу пайтгача барча асосий иқтисодий категориялар бўйича билим беришга мўлжалланган “Иқтисодиёт назарияси” фанидан давлат тилидаги дарсликларда инсон капиталининг мазмунини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига бағищланган материаллар йўқ.

Ундан ташқари муҳандислик-техника ва қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг барча ноиқтисодий таълим йўналишларида, жумладан, бизнинг университетда ҳам, Олий таълим вазирлигининг ўқув режадаги умумий фанлар сонини биринчи блок фанлари ҳисобидан камайтириш тавсиясига мувофиқ ушбу фан 2019 йилда олиб ташланди.

Бизга маълумки, ушбу фан барча ноиқтисодий таълим йўналишларининг иқтисодиёт фанида назарий билимларни бериш учун асос бўлади. Аralash ижтимоий йўналтирилган бозор муносабatlari шаклланиши шароитida бундай асоссиз қарор бозор муносабatlari юзасидан фикрлай оладиган кадрлар тайёрлаш ва инсон капиталини ривожлантириш самардорлигини оширишга ёрдам бермайди, балки тўсқинлик қиласди.

Шу билан бирга, давлатимизнинг иқтисодий сиёсати айни пайтда янгиланаётган Ўзбекистонда сўнгги олти йилда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, яқин ўтмишдан фарқли ўлароқ, инсон манфаатлари ва унинг қадр-қимматини юксалтиришга қаратилган бўлиб, “Халқ давлатга эмас, давлат халқка хизмат қиласди” шиори остида ҳаётда амалга ошириляпти. Мақоланинг долзарблиги юқоридаги саволларга жавоб топиш, шунингдек, инсон капиталини самарали ривожлантириш ва ундан фойдаланиш бўйича муаллифнинг мулоҳазалари, таклифлари ва тавсияларини беришга ҳаракат қилинди.

Адабиётлар таҳдили. Мазкур мақолада инсон капитали бўйича Ўзбекистон олимларининг тадқиқотлари таҳдил қилинган. Бизнинг мамлакатимизда инсон капитали бўйича илк тушунчалар 2010 йилдан бошлаб ушбу мақола муаллифи томонидан рус тилидаги “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида талқин этилган. Дарслиқда инсон капиталининг таърифи, таркибидаги элементлари, уни ривожлантириш инсон учун, фирма ва корхоналар, жамиат учун ҳам фойдалилик томонлари ва турлари кўрсатилган ҳамда инсон капиталидан фойдаланишда макро ва микродаражадаги самарадорлигини ошириш учун зарур вазифа ва талаблар алоҳида кўрсатиб ўтилган [2].

2012 йилда Қ.Х.Абдураҳмоновнинг “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” номли дарслигида инсон капитали ва унга боғлиқ тушунчалар келтирилган. Жумладан, инсон ресурсларининг иқтисодиёт ривожланиши даврида турлича аталиб келинганлигини айтиб ўтган. Охирги босқичда бунга инсон капитали деб тўхталиб, унга қуидагича таъриф берган: “Инсон капитали – инсон томонидан неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнда фойдаланиладиган қобилият ва сифатлар захирасининг жамланмаси” [3]. Муаллиф ушбу таърифда инсон капитали ўсишининг энг муҳим манбай бўлган инвестицияни кўрсатиб ўтмаган, қобилиятнинг қайсиdir тури тушунарсиз бўлиб қолган. Муаллиф ишчи кучини таърифлаш асносида уни жисмоний ва интеллектуал қобилият деган. Аслида “интеллектуал” тушунчаси маънавиятнинг бир қиррасидир. “Маънавият” тушунчасининг ичida ақл, билим, фан, ижод, тарбия, маданият, ватанпарварлик ва ҳақиқатга интилиш ётади [4]. Шунинг учун ҳам муаллифнинг бу фикрига қўшилмаймиз.

Иккала дарслиқда ҳам республикамизда инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Юқоридаги дарсликлардан ташқари инсон капитали бўйича мақолалар чоп этила бошланди. Ш.Акромова (2011), Б.Ш.Усмонов, М.Қ.Қодиров, Ж.Д.Элтазаров (рисола, 2015), С.У.Хусенов (2016), Д.Шоумаров (2018), З.Р.Худойбердиев (2019), М.Рахмонов, П.Хашимов, П.Хушвақтова, С.Гаиназаров (2022), К.Х.Абдураҳманов (2022), Г.К.Абдураҳманова, Н.Н.Шотурсунова, У.А.Исламов (2022), М.М.Холматов (2022) ва бошқалар томонидан ҳам бир неча мақолалар чоп этилди.

2011-2022 йиллар оралиғидаги юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг мақолалари таҳдил қилинди. Мазкур мақолаларнинг аксариятида инсон капитали бўйича умумий фикрлар баён этилган, инсон капиталига тўлиқ ва равshan ўзларининг таъриф ва унинг таркиблари берилмаган, муаллифлар фақат хориж

олимларининг фикрларини келтириб ўтишган, аммо қайси қарашларга қўшилишлари мавжуд эмас, инсоннинг меҳнат қобилиятларига урғу берилган, лекин унинг янада бир муҳим истеъмол қобилияtlари муаммолари кўрилмаган, Ўзбекистон бўйича амалиётда инсон капиталини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар баён этилмаган. Сизларни ушбу мақолаларнинг қисқача мазмуни билан таниширишни жоиз деб билдик.

Ш.Акромова бошқалардан фарқли равища инсон капитали бўйича кенгроқ таҳлил ўтказиб, инсон капитали ва моддий капиталнинг бир қатор ўхшашликлари ва фарқларини таққослаб кўриб чиққан. У инсон капиталининг мустақил категория сифатида талқин этилишини таклиф қилган, бу хориж мамлакатларида мустақил категория сифатида аллақачон тан олинган. Хулоса сифатида инсон капиталини доимий инвестициялар томонидан шакллантириладиган ва ривожлантириб бориладиган ишлаб чиқариш даромадининг ва меҳнат унумдорлиги ошишига сабаб бўлувчи ишчининг ишлаб чиқариш қобилиятларининг йигиндиси, деб ифодалаган. Лекин бу мақолада аниқ фактлар билан ифодаланмаган [5].

Яна бир гурӯҳ олимлар Б.Ш.Усмонов ва ҳамкаслари инсон капиталини шакллантириша таълим ва илм-фанднинг роли ҳақида кўпроқ ижтимоий-фалсафий нуқтай назардан ёндашган. Иқтисодий томондан эса фақатгина интеллектуал мулк сифатида қараган, янги иш ўринлари яратиш билан ундан оқилона фойдаланиш масалаларини айтиб ўтган. Уларнинг фикрига кўра, «Инсон капитали» ва «Инсон сармояси» бирикмалари айни маънода кўлланилади. Аммо, бизнинг фикримизча, бундай ёндашув унчалик ҳам тўғри эмас, чунки айрим олимларнинг фикрича институционал омиллар ҳам муҳим таъсир этади [6].

С.У.Хусеновнинг мақоласи инсон капитали тушунчасига бағишлиланган. Муаллиф хулоса сифатида ушбу категория бўйича қонун чиқарилиши тўғрисида таклиф берган. Бизнингча, бу масалада Меҳнат кодексига ўзгартариш киритиш билан чекланса бўлади. Мақолада кўрсатиб ўтилган фойдаланилган 4-адабиётда А.Ўлмасов ва А.Вахобовнинг дарслигига инсон капитали бўйича тегишли материаллар мавжуд эмас [7].

З.Р.Худойбердиевнинг мақоласи эса инсон капитали бозорини ривожлантиришга бағишлиланган. Муаллиф хориж олимларининг таърифларини берган, лекин қайси бири асосида инсон капитали бозорини ривожлантириш ҳақида тўхтамаган [8].

М.Рахманов ўз мақоласида иқтисодиётда юқори самарадорликка эришища инсон капиталига ўз вақтида ва етарлича киритиладиган

сармоя ҳақида баён этган. Лекин мақола номи билан унинг мазмуни бир-бирига мос келмайди. Чунки инсонга киритиладиган инвестициянинг ўз вақтида – қачонлиги ва миқдори мавхум. Муаллиф инсон капиталига ажратилган инвестицияларни 2021 йилда республика ЯИМнинг 50 фоизидан юқори деб келтирган, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, таълим, илм ва соғлиқни сақлашга ажратилган маблағлар 75 фоиздан юқори эканлигини кўрсатмоқда [9].

П.Хашимов, Х.Хушвақтова инсон капиталининг инвестицияларга боғлиқлигини ва келаҗакда аҳоли даромадларининг ортишига асос бўлиши баён этган. Тадқиқотчиларнинг “инвестицияларнинг инсон капитали самарадорлигини аниқлаш усули З та босқичдан иборат” деган фикрига кўшилса бўлади, лекин америкалик иқтисодчилар буни босқичларга бўлмасдан, олдинроқ кўрсатиб ўтган [10].

Яна бир олим С.Гаипназаров бошқалардан фарқли равища, инсон капиталига оид дунё рейтингида мамлакатимизнинг неchanчи ўринда туриши ҳақида ёзиб, келгусида инсон капиталини ошириш ўйлари ҳақида баён этган. Лекин бу боради республикада амалга оширилаётган ишлар келтирилмаган [11].

2022 йилдан чиқа бошлаган янги “Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” номли илмий-электрон журналда биз таҳлил қилаётган мавзуда учта мақола чоп этилди. Улардан К.Х.Абдураҳмоновнинг мақоласи билимларни ривожлантириш ва таълим соҳасини тизимли ислоҳ қилиш асосида инновацион иқтисодиётни, меҳнат фаоллигини шакллантиришда инсон капиталининг ролини оширишга бағишлиланган. Ўзининг дарслигидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда янгилаётган даврда турли даражадаги таълим муассасалари сони, ўқувчилар ва талабалар, шунингдек, тегишли муассасалар битирувчилари сонининг сезиларли даражада ошган динамикаси келтирилган. Инсон капитали ва жамият ўртасидаги мантиқий муносабатлар муаллиф бошчилигига кафедра олимлари томонидан жадвал шаклида тақдим этилган, бу ерда уларнинг фикрига кўра, қаторларда унинг олтита элементи берилган бўлса, устунларда учта асосий иқтисодий субъектларининг ҳар бири уларнинг ўсишидан тегишли манфаатдорликлари ва бажариладиган вазифалар тўғри акс этган. [12].

Г.Абдураҳманова, Н.Н.Шотурсунова, У.А.Исмаилов ўз мақолаларида хотин-қизлар инсон капиталини ошириш билан бирга иш билан бандилигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги гендер муносабатлари асосида меҳнат ресурсларини тайёрлаш, ишга жойлаштириш, кейинчалик малака ошириш, қайта тайёрлашгача бўлган бутун жараённи тадқиқ этган-

лар. Мамлакат аҳолисининг деярли ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг атиги 13,2 % олий маълумотли (25 ёшдан катта), уларнинг ҳуқуқлари ва бошқа фаолияти соҳаларида мавжуд камчиликларни ҳисобга олсак, муаллифлар гендер тенглигига эришишда 2030 йилгача қабул қилинган стратегик чора-тадбирларнинг аҳамиятини таъкидлайдилар [14].

М.М.Холматовнинг мақоласида рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш шароитида инсон капиталининг ўрни ва роли, ривожлантиришнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, соҳалар ва тармоқларни рақамлаштириш натижасида ҳосил бўладиган янги касблар ва бу касблар бўйича малақали мутахассис кадрларни тайёрлаш, унга мос бўлган меҳнат бозорини шакллантириш ҳақида сўз юритилган. Унда инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва моддий асосларини шакллантириш ҳамда инсон капиталини ривожлантиришнинг илмий методологик асос ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифларини кўллаб қувватлаймиз [13].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда кўриб чиқилаётган ҳодисаларга рационалистик ва диалектик ёндашувлардан келиб чиқиб, илмий абстракция, қиёсий таҳлил, синтез, индукция ва дедукция усулларидан, мамлакатимизнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, хусусан, давлатимиз раҳбарининг парламентга ҳар йилги Мурожаатномаси, унинг фармон ва қарорлари, уларни ижро этиш учун ҳукумат қарорлари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган нафақат меҳнат, балки истеъмол ва инвестиция салоҳиятини юксалтириш негизида уларни конкретлаштириш ва амалга ошириш, шунингдек, ёшларнинг сифатли таълим ва касбий қўнималарга эга бўлишлари учун барча имкониятлар яратиб берилганлиги, хусусий ва давлат-хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандчилликнинг ҳар хил турларини ташкил этиш масалалари ўрганилди.

Бундан ташқари кўриб чиқилаётган масалалар бўйича жорий ҳолатни тавсифловчи Республика Статистика қўмитаси сайти маълумотлари ва 2017-2020 йилги статистик йилномадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ярим минг йилдан кўпроқ вақт олдин машҳур инглиз ва шотланд иқтисодчилари инсон капиталининг келажак назариясига асос солган.

Масалан, Уилям Петит (1623-1687) биринчи марта меҳнат ва ерни “бойлик манбаи” деб эълон қилди, шунингдек, “тирик фаол инсон кучлари” тушунчасини киритди [15]. Адам Смит (1723-1790) даромад ҳақидаги таълимотни яратди, моддий омилларга нисбатан инсон қобилиятларининг асосий ролини кўрсатди [16].

Давид Рикардо (1722-1823) қийматнинг ягона манбаи ишчи кучи эканлиги, у турли синклар даромадлари негизида эканлигини таъкидлаб, мамлакат иқтисодий юксалишида аҳоли таълимининг ўрнини қайд этди [17].

Бундай хulosалар кейинчалик марксистик иқтисодий назариянинг асосчиси Карл Маркс (1818-1883) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, меҳнаткашларнинг нафақат жисмоний ва маънавий қобилиятларини ошириш, балки уларни ривожлантиришга сармоя киритиш зарурлигини таъкидлаган: “Умумий инсон табиати шундайки, у маълум бир меҳнат соҳасида таълим ва кўнималарга эга бўлган, ривожланган ва ўзига хос ишчи кучига айланган муайян таълим ёки тарбияни талаб қиласи. Таълимнинг ушбу харажатлари ишчи кучининг малакасига қараб ўзгаради” [18].

Бу ерда ишлаб чиқаришнинг тирик омилнинг жисмоний омилдан устунлиги, шунингдек, ер эгасининг роли, Россия аграр фанининг машҳур вакили Александр Энгелдартнинг ёзганларидан ғайриоддий ва аниқ хulosаси чиқариш ўринлидир: «Иқтисодиётдаги турли омиллар, аҳамиятига кўра, шундай тартибда боради: биринчи навбатда, ер эгаси, чунки бутун иқтисодиёт тизими унга боғлиқ, агар тизим ёмон бўлса, ҳеч қандай машина ёрдам бермайди; кейин ишчи, чунки тирик бизнесда доимо тириклар ўликлардан устун туради ... иқтисодиётда, инсон, биринчи навбатда; кейин от, чунки ёмон отда омоч ҳам бефойда; кейин машиналар ва асбоблар. Аммо на машиналар, на симментал қорамол, на ишчилар иқтисодиётимизни яхшилай олмайди. Уни фақат эгаларигина яхшилаши мумкин” [19].

Кейинчалик, кўп йиллар давомида Фарб олимларининг бир қисми ўзларини шахснинг ривожланиш қобилиятларининг турли жиҳатларини кўриб чиқишга бағишиладилар. Уларнинг тадқиқотлари давомида товарлар ва хизматларнинг барқарор кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъминлашда меҳнат қийматининг ўсиб бораётганлиги тасдиқланди. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ва умумлашмаларнинг энг юқори чўққиси ривожланган мамлакатларнинг постиндустриал ва инновацион ривожланиш босқичига ўтиши муносабати билан XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида, умуман, юқори малакали мутахассисларга, хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланишга, шунингдек, фаолиятнинг турли соҳаларидағи дастурчиларга этишмовчилик ва қўшимча эҳтиёж ортиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг давом этаётган тенденциялари ва қонуниятларини

чуқур англашда илмий тадқиқотларни фаолаштириш зарурати шундан келиб чиқади.

Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, дунёнинг орқада қолаётган давлатлари билан солиширганда, илғор ва уларга етиб бораётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва бойликларининг юқори суръатларини таъминлаган омилларини таҳлил қилиш ва аниқлаш зарурати ҳам оз эмас эди. Қолаверса, унинг натижаларидан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий глобал барқарорликни, цивилизациялашган дунё тараққиётини таъминлаш мақсадида одамлар ҳаёти даражаси ва шароитида улар ўртасида кучайиб бораётган тенгсизликни камайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши керак. Жаҳон банки (ЖБ) томонидан “Инсон капиталини ривожлантириш” лойиҳаси – ривожланаётган 83 та давлатда одамларга инвестицияларни кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ижтимоий адолатни амалга оширишга қаратилган глобал дастур ишлаб чиқилгани бежиз эмас [20].

Лойиҳани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, инвестициялар ҳажмини ошириш, аёлларнинг хуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш орқали инсон капиталини ривожлантириш соҳасидаги қониқарсиз вазиятни сезиларли даражада яхшилаш мақсадида ЖБнинг далилларга асосланган ёндашувларни қўллаб-кувватлаш гурухлари ташкил этилди. Иккинчидан, 2020 йилдан бошлаб тўрт йил муддатга дунёдаги энг камбағал мамлакатларга бир хил ёрдамни молиялаштириш учун ЖБнинг мазкур гуруҳ қошида маҳсус МАР-19 фонди ташкил этилди.

ЖБ таҳлилчилари инсон капиталини ўрганар экан, бу тушунчани шахсга молиявий сармоя киритиш билан боғлайдилар ва унинг кенг ўйналишларини кўрсатадилар, хусусан, тиббий хизматни яхшилаш, сифатли таълимни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва касбий маҳорат, барча истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, маданият, унинг ривожланишига ёрдам беради. Буларнинг барчаси, уларнинг фикрича, ўта қашшоқликка барҳам бериш ва ижтимоий жиҳатдан янада яхлит жамият қуришнинг асосий шартидир.

Шунингдек, Стенли Фишер ва унинг ҳамасбларининг АҚШда нашр этилган “Иқтисодиёт” дарслигида баён этилган фикрига ҳам қўшилиш керак: “Инсон капитали тушунчаси нима учун таълим ва тажриба иш ҳақига таъсир қилишини, шунингдек, одамларнинг таълим даражасига нима таъсир қилишини тушунтириш учун киритилган”.

Улар қўйидаги таърифни бердилар: “Инсон капитали шахсда мужассамланган даро-

мад олиш қобилиягининг ўлчовидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъодни, шунингдек, таълим ва орттирилган малакаларни ўз ичига олади” [21].

Бу соҳада тўпланган барча эмпирик илмий салоҳият “инсон капитали” тушунчасини иқтисодий категориялар тизимиға киритиш ва уни мустақил илмий ўйналиш сифатида ривожлантириш концепциясини шакллантириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Инсон капиталини ривожлантириш концепциясининг асосчилари, таниқли америкалик олимлар Т.Шульц ва Г.Беккердир.

Эътибор берамиз, ушбу категорияни бошқа иқтисодчилар, масалан, Джейкоб Минсер бироз олдин, 1958 йилда инсон капитали деганда “ўзи учун ҳам, у ишлайтган корхона учун ҳам даромад келтира оладиган ходимнинг таълим даражаси ва касбий маҳорати” деб ёзган [22]. Бироқ у бошқа муаллифлар сингари унинг ривожланиш концепциясини кўриб чиқмаган эди.

Бу муаммони ҳал қилиш Теодор Шульц – Нобель мукофоти совриндори (1979 йил) томонидан амалга оширила бошланди. 1960 йилда “Таълим капитални шакллантириш манбай сифатида” [23] мақоласида “таълимда капитал” тушунчасини киритган ва кейинги йили чоп этилган “Инсон капиталига инвестициялар” [24] мақоласида бу заруратни – капитални анъанавий яхлит маънода икки қисмга бўлишни таъкидлаган: жисмоний капитал ва инсон капитали. Унинг маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90-йиллар охирида барча капиталга қўйилган жами инвестициялар ҳажмининг 30 фоизга яқини жисмоний капиталга, 70 фоизга яқини эса инсон капиталига тўғри келган. Қолаверса, шу сабабдан ҳам капиталнинг охирги тури, унинг фикрича, жамият тараққиётининг нафақат энг муҳим иқтисодий, балки ижтимоий омили ҳамдир. Чунки институтларга инвестициялар ва давлат томонидан институционал хизматлар тизимини такомиллаштириш инсон капитали сифатини ошириш учун зарур ва қулай шартшароитларни яратишга ёрдам беради.

Бу фикри кучайтириш учун Т.Шульц қуйидаги қўшимча кўрсаткини келтиради: ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотдан инсон капитали йиғилишига XX асрнинг такорор ишлаб чиқариш назарияларидан келиб чиқсан ҳолда 1/4 эмас, балки унинг умумий қийматининг 3/4 қисми ишлатилади. Т.Шульцнинг инсон капитали назарияси бир неча жиҳатларга таянади. Уларнинг энг муҳим жиҳатларини қуйидагicha умумлаштириш мумкин:

- инсон капитали – инвестиция орқали билим, кўнникма, қобилиятларини ошириш туфайли яратилган қўшимча даромад манбай;
- таълим капитали инсон капиталининг

шаклларидан бири бўлиб, у инсондан ажралмас бўлиб, ишлаб чиқариш ўсиши, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омили бўлиб, келажакдаги маоши ҳамда бошқа ижтимоий қониқишига хизмат қиласди;

- инсонга инвестицияларнинг алоҳида натижаси сифатида у меҳнат қобилиятини тўплаш фактини ажратиб кўрсатди. Инсон капитали узоқ вақт давомида йиғилиши ва такрорланиши мумкин.

Т.Шульц 1971 йилдаги кейинги ишида унга қуидаги таърифи берган: "Инсоннинг барча қобилияtlари туфма ёки орттирилган. Ҳар бир инсон туфма қобилияtlари ва истеъодларини белгилайдиган индивидуал генлар мажмуаси билан дунёга келади. Тегишли инвестициялар орқали ошириш мумкин бўлган инсон томонидан қўлга киритилган қимматли фазилатларни биз инсон капитали деб атаемиз" [25].

Бироқ инсон капитали ривожланишининг яхлит концепциясини ишлаб чиқишида Гери Беккер – Нобель мукофоти совриндори (1992 йил) энг катта ҳиссани кўшди. У микроиктисодий асослар назариясини яратди ва турли ижтимоий ҳодисаларни тушунтириш учун фойдаланиш доирасини кенгайтирди. Г.Беккер замонавий иқтисодчилар даврасида Инсон капитали концепцияси доирасидаги илмий мактабнинг умумэътироф этилган асосчиси ҳисобланади.

Бундай эътироф унинг Т.Шульцдан кейин ушбу соҳадаги иккита мақоласини нашр этганидан сўнг пайдо бўлди. 1962 йилда "Инсон капиталига сармоя киритиш" [26] ва икки йилдан кейин фундаментал асари – "Инсон капитали: назарий ва эмпирик таҳлил"да [27] у ўз ғоялари ва қарашларини ишлаб чиқди, олимларнинг фикрига кўра, инсон капитали назариясининг "классикаси" деб аталди.

Умуман олганда, Г.Беккер мактаби класик иқтисодий назария доирасида шаклланди ва янада ривожланди. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, у билан параллель равища инсон капитали назариясининг институционал йўналиши ривожланмоқда, унинг тарафдорлари ушбу назарияга институционал ёндашувни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини ва бу назариянинг муҳим ролини асослаб бердилар, шу жумладан, ижтимоий муҳит инсон капиталининг хусусиятларига таъсир қиласди. Г.Беккернинг инсон хатти-ҳаракатига иқтисодий ёндашуви, жумладан, инсон капитали назариясининг ривожланиши илгари тўғри изоҳ топмаган ёки унинг таъбири билан айтганда, айrim тадқиқотчиларни ҳайратга солган кўплаб ҳодисаларни тушунтириш имконини берди. Бундан ташқари бу давлатларнинг ижтимоий сиёсатини ривожлантириш учун сабаб бўлди.

Г.Беккер юқоридаги ва бошқа илмий иш-

ларида, биринчидан, у Т.Шульц томонидан инсонга сармоя киритиш орқали шаклланадиган инсон капитали тушунчасини кенгайтирди ва аниқлаштириди, таълимдан ташқари яна иккита бошқа жиҳатни ҳам киритди:

а) иш жойида ўқитиш; б) нархлар ва даромадлар ҳақида маълумот излаш [28].

Иккинчидан, ушбу мақсадларга йўналтирилган сармоялар инсоннинг ишлаб чиқариш қуввати, интеллектуал ва маданий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишига эътибор қаратди.

Учинчидан, инсон капиталига инвестициялар пул бирликларида ўлчанади ва таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқаларга йўналтирилган инвестициялар миқдори билан белгиланади [29]; натижаси эса бутун ҳаёт давомида олинган даромадлар ҳамда даромадларнинг ёш динамикасини очиб берди: бошланиша ўсиш ва ҳаётнинг охирида даромаднинг пасайиши.

Тўртинчидан, у ва унинг издошлари томонидан ҳар қандай мамлакат учун сифатли таълим тизимининг фойдалилиги ва рентабеллиги ғоясининг бу соҳага давлат инвестициялари зарурлиги исботланди;

Бешинчидан, Г.Беккер Т.Шульцнинг инсон капиталининг одамлардан ажралмаслиги ҳақидаги ғоясини тасдиқлаб, буни қуидаги тушунтириш билан тўлдириди: туфма ва орттирилган қобилияtlар фақат меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади [30]. Бошқача айтганда, бундай инсон капитали – эгасининг меҳнат фаолиятида.

Г.Беккернинг фикрича, инсон капитали ҳар бир инсон эга бўлган билим, кўнишка ва мотивациялар захирасидир. Инсон капиталини, шунингдек, жисмоний капитални тўплаш катта ҳаражатларни талаб қиласди ва мураккаб инвестиция жараёни билан боғлиқ.

Бундан ташқари у биринчи марта инсон капитали ёки билим намоён бўлишининг учта асосий турини ажратиб кўрсатди ва мазмунини очиб берди [30].

Бизнинг фикримизча, бундай бўлиниш қуидагиларнинг тўғри таърифи учун жуда муҳим ҳисобланади: а) инсоннинг меҳнат қобилиятини яхшилашнинг бундай турларини ким сармоя қиласди; б) иқтисодий агентларнинг инвестицияларидан олинган фойда қандай тақсимланади.

1. Умумий инсон капитали ўрта ва олий таълим муассасаларининг оила, тарбия ва таълим хизматларининг таъсири натижасида шаклланади. Ушбу турдан олинган фойдалар бундай билимларнинг эгаси ва уларнинг инвесторлари ўртасида ўзлаштирилади.

2. Maxsus инсон капитали муайян ишлаб

чиқариш жойида меҳнат фаолияти жараёнида шаклланади ва тўпланади. Бу, қўпинча, мутахассиснинг ушбу ташкилотдаги фаолияти доирасидаги тажрибаси, маҳорати билан белгиланади. Махсус билимга эга бўлган инвесторлар бир вақтнинг ўзида уларнинг эгаси ва ушбу мутахассис ишлаётган тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Махсус билим сармоядорлари ҳам ходимнинг ўзи, ҳам у ишлаётган хўжалик юритувчи субъект бўлиши мумкин.

3. *Бошқа инсон капитали мутахассис* учун иш берувчини ҳақиқатан ҳам қизиқтирадиган истиқболли иш жойини топиш йўналишида шахснинг ахборот маҳсулотлари ва хизматлари билан ишлаш кўникмаларини олиш натижасида шаклланади.

Гарб олимларининг бу борадаги кўп йиллик изланишлари бошқа давлатлардаги олимларда ҳам илмий қизиқиш уйғотди ва ўрганила бошланди. Шундай қилиб, Россия Федерациясида бу фақат йигирманчи асрнинг тўқсонинчи йилларида ва биринчи навбатда, Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт ва молия университети олимлари А.И.Добрыйнин В.Т.Смирнов, С.А.Дятлов, Л.Г.Симкина, И.В.Ильинский, М.М.Критский ва бошқалар томонидан тақдим этилган.

Масалан, 2005 йилда иқтисодиёт фанлари доктори, проф. В.Т.Смирнов таҳрири остида бир гурӯҳ олимлар томонидан “Инсон капитали: мазмuni ва турлари, баҳолаш ва рағбатлантириш” монографияси нашр этилди (31). Шу йили профессор А.И.Добрыйнин ва иқтисодиёт фанлари доктори, проф. Л.С.Тарасевич таҳрири остида “Иқтисодиёт назарияси” дарслигининг З-нашри чоп этилди (32). Шундай дарслик Россияда етакчи олий ўқув юртларининг кўплаб муаллифлари томонидан нашр этилганлигини таъкидлаймиз, аммо бу дарслик инсон капитали категориясини шакллантириш қонуниятлари ва моҳияти биринчи марта ёритилган илк қалдирғочидир. Хусусан, муаллифлар унга қуйидаги таърифни беришади: “Инсон капитали – инвестициялар натижасида шаклланадиган ва шахс томонидан тўпланган, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг муайян соҳасида мақсадга мувофиқ фойдаланиладиган, меҳнатнинг унумдорлиги ўсишига ҳисса қўшадиган билимлар, соғлиқ, маданият, кўникмалар, қобилияtlар, мотивациялар захираси, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва шу билан бу шахснинг даромадларининг ошишига олиб келади”.

Эътибор беринг, инсон капиталининг худди шундай таърифини 1999 йилдаги А.Добрыйнин ва унинг ҳамкаслари томонидан чоп этилган мақоласида берилган ва юқоридаги монографияда муаммоларни етарли деб ҳисоблаб, асос сифатида фойдаланган (33).

Шу билан бирга, Р.Ханнанова Россия

илмий маконида инсон капиталининг кўплаб, ўхшаш ва турли хил таърифларини таҳдил қилиб, юқоридаги муаллифларнинг унинг таркибига кирадиган элементларни чексиз деб ҳисоблашларини хулоса қилган [34]. Бу фикрга биз ҳам қўшиламиз, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам инвестицияларни талаб қилмайди ва уларнинг кўпчилиги ҳам даромад келтирмайди, уларнинг барчаси ҳам энг муҳими эмас.

Инсон капитали категорияси бу билан боғлиқ бўлган бир қатор олдинги тушунчаларнинг табиий ривожланиши ва умумлаштирилиши бўлиб, унинг мантиқий шаклланишини яхшироқ тушуниш учун биз асосийларини кўриб чиқамиз [30].

Инсон капитали тушунчаси – табиий ривожланиш ва бир қатор олдинги тушунчаларнинг умумлаштирилиши, унинг мантиқий шаклланишини яхшироқ тушуниш учун биз МДҲнинг аксарият мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда кўлланиладиган асосийларини кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи моддий омиллардан фарқли ўлароқ, ҳар бир тирик шахсдан ажралмас бўлган потенциал индивидуал жисмоний ва маънавий меҳнат қобилиятидир.

Гарб мамлакатларида ишчи кучи турлича талқин қилинади – фаол аҳоли сифатида, яъни қобилият сифатида эмас, балки ишчи, меҳнаткаш ёки бевосита ишчи кучи сифатида [17, 30]. Шахснинг меҳнат қобилияти фақат зарур ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилади.

Кооперация алоқалари асосида бошқа шахслар билан биргалиқда ишлаш нафақат мамлакат, балки алоҳида тармоқлар, корхоналар, фирмалар ва бошқа ташкилотлар даражасида ташкил қиладиган жами ишчи куч категория деб аталади.

Меҳнат маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инсон фаолияти даврида ишчи кучи сарфланадиган ишлаб чиқариш омилидир.

Меҳнат ресурслари – меҳнатга лаёқатли ёшдаги, турли даражадаги таълим ва малакага эга бўлган, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун жисмоний ва маънавий қобилияtlарга эга бўлган аҳоли.

Инсон ресурслари категория сифатида, одатда, меҳнат бозорида ишчини ёллашда, сотиб олинган бошқа ишлаб чиқариш ресурслари: табиий, моддий ва молиявий ресурслар каби ўхшаш тарзда кўлланилади.

Таъкидлаш керакки, инсон ресурслари иккى турга ажратилади: а) потенциал – мамлакатдаги мавжуд ресурсларнинг умумий йиғиндиси, улар зарурат ва имконият бўлса, уларни трансформация қилиш орқали келажакда фой-

даланиш мумкин; б) уй хўжаликлари, фирма ва корхоналар ҳамда давлат ихтиёридаги мавжуд ресурслар.

Эътибор беринг: АҚШ дарсликларида инсон ресурслари ўрнига меҳнат, ишчилар, ишчи кучи каби атамалар кўпроқ қўлланилади. Бизнинг фикримизча, меҳнат ва инсон ресурслари ўртасида туб фарқлар йўқ (уларнинг таърифларидан келиб чиқадиганлардан ташқари) ва бу тушунчаларни амалда синоним сифатида ишлатиш мумкин.

Инвестициялар, биринчидан, инсон қобилиятларининг бошқа муҳим таркибий элементларини ривожлантиришга тобора кўпроқ йўналтирила бошланди. Иккинчидан, олимлар томонидан уларнинг юқори самарадорлиги тасдиқлангандан кейин инсон капитали шаклида талқин қилина бошланди. Т.Шульц, Г.Беккернинг инсон капитали концепциясини жорий этишдаги асосий ғояси инсон капиталининг ўсиши оқибатларини таъкидлаш ва уларнинг ҳар бир субъектнинг, яъни эгаларининг турмуш дараҷаси ва турмуш шароитини яхшилаш, фирма ва корхоналар фойдаси ортиши, мамлакат бойлиги ўсишига эътибор беришдир.

С.Фишер ва унинг ҳамкаслари унга шундай таъриф беришган: “Инсон капитали инсонда мужассамланган даромад олиш қобилияти нинг ўлчовидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъодни, шунингдек, таълим ва эгалланган малакаларни ўз ичига олади” [21].

Мақолада мутолаа қилувчилар ва мутахасислар билан ўз фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашиб, иккита ҳолатга ойдинлик киритмоқчимиз.

1. Инсон цивилизациясининг дастлабки босқичини ажратиб кўрсатишдан келиб чиқади. Бу даврда ишчи кучи фақат ота-онадан мерос бўлиб қолган меҳнат учун туғма қобилиялар ва истеъодлар эди, лекин уларнинг тажрибасини табиий равиша тўплаш ва катталар томонидан муайян меҳнат турларига: овчилик, балиқчилик, уй хўжалигига ўргатиш жараённида такомилластирилди. Бундай меҳнат қобилиялари негизида қабул қилиниши мумкин.

Бироқ инсоннинг эволюцион ривожланиши ва унинг эҳтиёжларининг ўсиши билан истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтириш, табиат инъомларини ўзлаштиришдан керакли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ўтиш зарурати пайдо бўлади.

Узоқ ўтмишда К.Маркс таъкидлаганидек, ушбу мақсадларга эришишнинг асосий йўли фақатгина таълим ва унга харажатлар (инвестициялар)ни киритиш орқали ишчи кучининг қобилият имкониятларини оширишдан иборат [18].

2. Инсон капитали категориясини белгилашда муаллифларнинг турлича ёндашувлари билан боғлиқ бошқа масалага ҳам аниқлик киритиш лозим. Биз иккита тушунча ҳақида айтмоқчимиз: туғма қобилият ва ота-онадан мерос бўлган истеъод; ва сармоя орқали қимматли инсоний фазилатларга эга бўлиш. Демак, Т.Шульц бу тушунчаларнинг иккаласини алоҳида ажратиб кўрсатади, лекин фақат ўзлаштирилган қобилияларни инсон категорияси деб ҳисоблади [25].

Холбуки, А.И.Добрынин ва Л.С.Тарасевич [32], умуман олганда, ушбу категорияни шакллантиришда уларни кўрсатмасдан амалга оширидилар, С.Фишер ва унинг ҳамкаслари эса инсон капитали остида фақат туғма қобилият ва истеъодларни ажратиб кўрсатишади [21]. Бизнинг фикримизча, замонавий шароитда бу иккала тушунчани ҳам инсон капитали таърифига киритиш мантиқий сабабга кўра мақсадга мувофиқдир – ривожланган мамлакатларда одамларнинг ҳозирги авлодининг ота-оналари қобилиятларини яхшилаш учун биринчи бўлиб оммавий инвестициялар обьекти бўлишган. Шунинг учун асосий туғма қобилияларга кўшилган юқори сифатли билимлар ҳам биология, тирик организмларнинг ривожланиши қонунларига кўра уларнинг фарзандларига мерос бўлиб ўтди.

Бундан ташқари А.И.Добрынин инсон шахсиятининг мазмунини очиб, унда икки томонни ажратиб кўрсатиш кераклигини ёзади: иш кучи ёки меҳнат қобилияти ва иккинчи томон – истеъмолчи кучи ёки истеъмол қилиш қобилияти, улар шаклланиши ва ривожланиши зарур [32].

Ушбу ғояни ривожлантиришда, бизнингча, уни аниқлаштириш ва тўлдириш керак. Хусусан, иккинчи томон ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчидан, аҳоли томонидан ҳам истеъмол характеридаги меҳнат предметларини, ҳам янги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг меҳнат воситаларини истеъмол қилишини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, қобилияларнинг ҳар иккала тури жорий йилнинг ишлаб чиқариш ва истеъмоли доирасида амалга оширилганлиги сабабли, уларнинг кейинги йилда миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсиши фақат кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Айниқса, ижобий демографик тенденция, шунингдек, баъзи одамларнинг бу дунёдан ўтиши ва болалар туғилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёнини инвестиция ресурсларини ажратмасдан амалга ошириш мумкин эмаслиги сабабли, инсон хусусиятларида яна бир учинчи томон пайдо бўлади, яъни – ўзига ва

оиласига, ҳам фирма ва корхоналар жамоалари аъзоларига ва давлат тегишили билим турлари ва касбий маҳоратини ошириш учун аҳолисига сармоя киритиш қобилияти.

Бинобарин, биринчидан меҳнат қобилияти ва иккинчиси истеъмол қилиш қобилияти, учинчи томон сармоя қўйиш қобилияти бўлиб, улар моҳияттан зарурат ва мотивациядир. Дарҳақиқат, ишламаслик мумкинми, шахсий истеъмол буюмларини ва ишлаб чиқариш воситаларини истеъмол қилмаслик мумкинми, хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришининг ўсишига билвосита ёки тўғридан-тўғри маблағ киритмасликлари мумкинми? Бу саволларнинг барчасига битта жавоб бор – йўқ, бу нафақат аксиома, балки барча саводли ва билимли одамлар учун кучли мотивациядир.

Эслатиш жоизки, инвестиция харажатлари барча хўжалик юритувчи субъектлар: давлат, фирма ва корхоналар, уй хўжаликлари томонидан амалга оширилади. Инсон қобилиятларининг санаб ўтилган учта жиҳати ёки асосий белгилари: меҳнат қилиш, истеъмол қилиш, инвестиция киритиши – ҳар бири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро таъсир қиласди. Чунки маълум бир мувозанатга эришиш, амалда қўлланилганда, бу мамлакат иқтисодиётининг макробарқарор ривожланишининг кўрсаткичидир.

Шундай қилиб, инсон капитали категориясининг мазмунини аниқлаш ва тушунишнинг муҳим асоси – жамиятнинг ишлаб чиқариш кучининг замонавий устувор омили, бизнинг фикримизча, унинг учта асосий хусусияти ёки инсон қобилиятлари ва мотивациясининг учтомони бўлиб хизмат қилиши керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Т.Шульц, Г.Беккернинг классик қарашларини умумлаштирган ҳолда, ушбу назариянинг бошқа институционал йўналиши ҳақидаги фикр, иқтисодий бўлмаган омилларнинг, шу жумладан, ижтимоий муҳитнинг унинг хусусиятларига таъсирини тасдиқлайди. Бу фикрларни асосли деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари мақолада келтирилган Жаҳон банки ва бошқа муаллифларнинг фикрлари, аҳолининг менталитети ва Янги Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биз ушбу категориянинг таърифи ҳақидаги тасаввуримизни шакллантирамиз:

“Инсон капитали – шахсларнинг таълим, тарбия, касбий малака, соғлиқни сақлаш, оқилона овқатланиш ва уй-жой билан таъминлаш, мобиллик ва нархлар тўғрисида маълумот излаш харажатлари ҳисобидан шакллантирилган меҳнат, истеъмол ва инвестициялар бўйича яхшиланган асосий тутъма қобилиятларнинг ийғиндиси. Уларга иш ҳақини ва/ёки ижтимоий

манбаатларни қондириш даражасини оширишга олиб келадиган категория”.

Кўриниб турибдики, инсоннинг қобилиятлари ва яшаш шароитларининг умумий даражаси қанчалик юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги ва ходимнинг маоши ва/ёки унинг ижтимоий манбаатларини қондириш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Берилган таъриф ишчи кучининг энг муҳим қобилиятларини қамраб олади ва муаллиф шарҳларини талаб қилмайди. Чунки асосий қисми юқорида тушунтирилган. Шу билан бирга, биз унинг таркибий қисмларининг ҳар бир элементини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб билдиқ:

1. Таълимга сарф-харажатлар инсонга энг муҳим ва фойдали сармоя бўлиб, унинг келажакдаги ривожланиши ва такомиллашувига пойдевор қўяди, унга маълум билим ва касбий малака беради.

2. Тарбияни таълим билан бир қаторга киритганимиз сабаби, биринчидан, у инсон маънавий қобилиятларининг ажралмас қисми эканлиги билан изоҳланади. Маълумки, бу тушунча маданият, ватанпарварлик, зиёлиллик, масъуллият, қонунга итоаткорлик, ҳалоллик ва ҳоказоларни, пировардида умуминсоний қадриятларни англаш ва ҳурмат қилишини ўз ичига олади. Иккинчидан, мамлакатимизда янгиланаётган Ўзбекистоннинг илмий-маданий меросни ривожлантириш борасидаги илк эътиборга молик муввафқиятлари даврида Президентимиз ташаббуси билан буюк аждодларимиз бутун дунёга маълум бўлган икки Уйғониш даври асосчилари, келажакдаги Учинчи Уйғониш даври учун пойдевор қўйилди. Албатта, бундай салмоқли миллий ғояга эришиш учун ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, ҳар бир жамоа, бутун халқни бир ёқадан бош чиқариш, ягона мақсад сари фаол ҳаракат қилиш йўлларини излаш зарур. Бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

3. Соғлиқни саклаш, рационал овқатланиш ва уй-жой билан таъминлаш. Ушбу муҳим элементлар киритилишининг сабаби нафақат инсон саломатлиги, унинг физиологик имкониятлари ва фаолиятини яхшилаш бўйича профилактика чораларини кучайтириш, балки умр кўриш давомийлигини ўстириш, бир томондан кўплаб мамлакатларда миллионлаб одамларнинг тўйиб овқатланмаслик ҳамда ривожланган мамлакатларда ўн минглаб одамлар, айниқса, АҚШда семизликдан азият чекаётганини билан боғлиқ. Одамларни уй-жой билан таъминлашга сармоя киритиш масаласига кел-

сак, бу 2017 йилгача бўлган даврда мерос бўлиб қолган ушбу тизимдаги мавжуд қониқарсиз аҳвол ва мамлакат аҳолисининг жадал ўсиби бораётгани таркибида ёшлар сонининг ўсиши билан боғлиқ.

4. Мобиллик замонавий дунёда, бир томондан, унга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда, иккинчи томондан, кўплаб мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг кенгайиши туфайли имкониятлар, шу жумладан, меҳнат ресурслари ва оиласалар миграцияси масаласида ҳам мамлакат ичидаги, ҳам хорижда ортиб бормоқда. Миграция зарурати, маълумки, кўплаб сабабларга кўра юзага келади ва унинг ўсиши замонавий глобал ҳодисалар – ҳарбий тўқнашувларнинг янги ўчоқлари ва ҳаётга тўғридан-тўғри таҳдидлар, табиий-икълим шароитларининг ўзариши, минтақадаги экологик мувозанатнинг кескинлашиши билан боғлиқ. Айrim давлатларда, шунингдек, бир томондан, қолоқ мамлакатларда аҳоли сонининг кескин ўсиши, иккинчи томондан, ривожланган мамлакатларда салбий демографик вазият.

5. Мобиллик ёнида биз бир хил иш учун нархлар ва юқори иш ҳақи тўғрисида маълумот қидиришни ҳам жойлаштириб, чунки бу кейинги миграция билан боғлиқ.

6. Кўриб чиқилаётган инсон капитали категориясининг энг муҳим элементлари таркибига биз мотивацияни киритмадик, чунки бу тушунчасиз ҳам ушбу категориянинг ривожланишини рағбатлантириш учун етарли сабаблар мавжуд, биз буни илгари кўрсатган эдик. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаймизки, табиат ва Худо томонидан инсонга инъом этилган ҳаёт ўз-ўзидан уни инсонлар эҳтиёжлари ўсишининг умуминсоний қонунига мувофиқ доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш амалиёти шуни кўрсатдики, фуқаролар ва давлатнинг бошқарув аппарати ушбу ҳақиқатни англаган ва унга амал қилган мамлакатларда улар меҳнат унумдорлигининг, даромад, одамларнинг пул бўлмаган неъматларини қондириш даражаси ва жамият бойлигининг ўсишида жуда катта муваффақиятларга эришган. Бизнингча, яхши ҳаётга интилиш, юқорида айтилганидек, инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг драйвери ва мотиваторидир. Ҳозирда Жаҳон банки ана шу ҳақиқатни англаш, ривожланаётган ва қашшоқ мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатишдек эзгу вазифа билан шуғулланмоқда.

Юқорида айтилган инсон капиталига тегишли масалалар бўйича тадқиқотлардан келиб чиқсан ҳолда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари бугунги кундаги инсон капиталига оид масалаларни ёритишида анча ортда қолишган. 2016 йил

декабрь ойида бўлиб ўтган ҳалқ сайловларидан сўнг Президент Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон ва унинг ҳалқи ҳаётини тубдан янгилашда олий мақсад сифатида инсон манфаатлари, унинг қадр-қиммати ва шаънини юксалтириш деб эълон қилинди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ушбу мақсадни ҳал этишнинг бошланиши белгилаб берилди. Бунинг асосида ҳар йили ишлаб чиқиладиган “Йўл ҳариталири”га мувофиқ ақл бовар қылмайдиган ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, мамлакатимизда 2017 йил – Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши ортидан ҳамма ислоҳотлар бевосита инсон учун хизмат қилиши ва уларнинг меҳнат ва истеъмол қобилиятлари, инвестициялар орқали даромадларини қўпайтириш лозимлиги яққол кўрина бошлади. Ушбу вазифаларни бажариш учун инсон капитали ва унинг асосий элементи – билимларини ривожлантириш зарурати келиб чиқади.

Инсон капиталини бойитиш йўлида инвестицияларни жорий этиш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг дарду ташвишлари тўғридан-тўғри эшитилиб, уларга ечим топила бошланди. Ҳар бир туманда Президентнинг Ҳалқ қабулхонаари ташкил этилиб, фуқароларга бевосита ёки виртуал мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари мазкур йилда илгари мавжуд бўлмаган Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, ҳалқ фарзандларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш мақсадида йилдан-йилга унинг фаолияти самарадорлиги ошириб борилмоқда. Бу борада йиллар ҳисобига назар ташласак, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш 2017 йилда 27,7 %дан 2021 йилда 67,2 %га етказилди.

2016 йилга нисбатан 2021 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш эса 3,5 баробар оширилиб, 69362,8 миллиард сўмга етказилди.

2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили” деб эълон қилинди. Ҳалқ билан мулоқот даврида бу масалаларга катта эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Чунки тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланадиган кишилар юқори таваккалчилик асосида фаолият олиб борувчилар бўлса-да, булар ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш бўйича етакчилик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорларнинг сонини қўпайтириш учун маҳсус “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури қабул қилиниб, давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан вақти-вақти билан учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

2017 йил охирида Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Жаҳон мамлакатларининг инновацион ривожланиш тенденцияларини белгилаб берадиган Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон ўтган йилларга нисбатан 40 погонага кўтарилиди. 2022 йилда мамлакатимиз 132 та давлат орасида 82-ўринни эгаллади.

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтиомий ривожланиш йилида ҳам инсонга эътибор кучайиб борди. Ишсизликни камайтириш, янги корхоналар, уй-жой куриш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш зарурати туфайли бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Биргина хорижий инвестициялар ва кредитлар 2016 йилда 10611,4 миллиард сўм бўлган бўлса, 2021 йилда 104,5 триллион сўм бўлди.

2020 – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида ҳам мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш жадал суръатларда давом этди. 2019 йил “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ти қонун, 2020 йилда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилинди. Булардан кўзланган асосий мақсад этиб, қуидагилар белгилаб олинди:

- олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- ОТМларнинг академик мустақиллигини таъминлаш;
- таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш [36].

Бундан ташқари олий таълим соҳаси ислоҳ қилиниб, юртимизда уларнинг сони 199 тага кўпайди, хусусий олий таълим муассасалари сони ва хорижий муассасаларнинг филиаллари 70 тадан ортиқ бўлди. Ҳозирги кунда жами талabalар сони 1 млн. нафардан ошиди. Аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш, худудларда касб-хунар мактаблари ва мутахассислар тайёрлаш мономарказлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти бепул йўлга кўйилди. Илмга 2016 йилда 238,2 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 867,1 миллиард сўмга етказилиб, 3,6 марта оширилди.

Мамлакатимизда ёшлар салмоғи 55 фоизни ташкил этганлиги инобатга олиниб, 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилди. Белгиланган давлат дастури доирасида уларнинг билим олиши, соғлом фикрлаши ва соғлом яшашлари учун барча шарт-шароитлар

яратиб берилди. Учинчи Ренессанс пойдеворлари, айнан, мазкур ёшлар орасидан келиб чиқиши учун ҳам юртимизда Президент мактаблари, ихтинослаштирилган мактаблар фаолияти кенг йўлга кўйилиб, уларда ривожланган хорижий давлатларнинг мутахассислари ўкув жараёнига жалб этиб келинмоқда.

Биргина 2021 йилда соғлиқни сақлаш борасида 14 дан ортиқ қонун ва қарорлар қабул қилинди. Оилавий шифокор пунктлари ва оиласий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолияти йўлга кўйилди. Шу ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириш учун 2016 йилда соғлиқни сақлаш тизимига 5811,6 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 3,7 баробарга оширилди.

Таҳлил қилинган йилларнинг давлат дастури бўйича амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар келгуси йилларда ҳам давомли тарзда олиб борилмоқда.

Юқоридаги 5 йиллиқда эришилган натижалар давоми ўлароқ, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон капиталига оид масалалар алоҳида бўлим сифатида келтирилган. “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола З ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта аҳамият берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт” [37] деганда, муҳтарам Президентимиз нақадар ҳақ эди. Бу каби масалаларни олимлар назарий ва амалий томондан кенг ёритишлари учун 2022 йилда “Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” номли электрон журнал ташкил этилди.

Инсон қадри, унинг хуқуқ ва манфаатлари олий қадрият эканлиги инобатга олиниб, 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла иили деб эътироф этилди. Мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратиш Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Дунёнинг ҳеч бир давлатида мавжуд бўлмаган маҳалла институтлари бугungi кунда самарали фаолият юритиб (9255 та маҳалла), аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қисмини қўллаб-куватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир маҳаллада белгиланган вазифаларни сифатли ва мақсадли бажариш учун ёшлар етакчиси, фаол аёллар билан ишловчи, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли билан ишловчи ҳоким ёрдамчилари штати ташкил этилиб, самарали фаолият олиб бормоқда. Ин-

сон қадрини улуғлаш йўлида маҳалла фуқаролари йигини ташаббуси билан алоҳида ташаббусли бюджет ташкил этилиб, танлов асосида эҳтиёжманд маҳаллаларнинг истаклари қондирилмоқда. Халқ билан учрашувлар илгаригидек давлат идораларида эмас, балки маҳаллабай ишлаш тизимидағи уйма-уй учрашувлар орқали муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишга ўтилди.

Инсон капиталининг мазмуни ва унинг мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги аҳамиятини очиб бериш, унинг учижатини ўз ичига олган кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш асосида оқилона ва самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидламасак, тўлиқ бўлмайди.

1. Умумий ишчи кучининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсиши. Ушбу муаммони ҳал қилиш қўйидагиларни назарда тутади: ишчиларнинг физиологик ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондириш орқали сарфланган энергия ва кучни тиклаш; аҳолининг ўсиши ва тарбияси; ходимларнинг илмий-техник билимлари ва касбий даражасини ошириш учун ишчиларни тайёрлаш.

2. Меҳнат ресурсларини тармоқлар, ҳудудлар, касблар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлаш. У меҳнат ресурсларини энг оқилона тақсимлашга, шунингдек, асосий капиталнинг умумий миқдори, таркиби ва тегишли малакага эга бўлган ходимлар сони ўртасидаги мувознатни сақлашга қаратилган.

3. Инсон капиталидан фойдаланиш. Шу билан бирга, самарали фойдаланишнинг икки даражасини ажратиб кўрсатиш керак: макро ва микроиктисодиёт миқёсида. Давлат ва хусусий сектор томонидан ушбу мақсадга эришиш учун макроиктисодий даражадаги асосий шартлар ва вазифалар қўйидагилардан иборат:

- меҳнат ресурсларининг тўлиқ бандлиги ни таъминлаш ва ишсизликни табиий даражага етказиш;

- умумий билим турларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш имконияти;

- ходимларнинг ўз-ўзини ўқитиши ва соғлом турмуш тарзини сақлаш ҳамда болаларни тарбиялаш учун бўш вақтларини кўпайтириш;

- оптимал туғилишни кўллаб-кувватлаш ва одамларнинг умрини узайтириш;

Микроиктисодий даражада қўйидаги талабларни асосийлари сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жонли меҳнатнинг максимал унумдорлигига эришиш;

- ходимлар сони бажарилган ишлар ҳажмига, ходимларнинг малакаси эса меҳнат функцияларига мос келишини таъминлаш;

- ишчиларнинг махсус билим турларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳоказо;

- кооператив алоқалар асосида касаначиликни ривожлантириш;

- фирма, корхона ва компаниялар раҳбарлари ҳар бир инсон ўзига хос шахс эканлигини ва унга инсонийлик тамоилидан келиб чиқиб, муносабатда бўлиш кераклигини унутмасликла-ри керак.

Хулоса ва тақлифлар.

1. Т.Шульц ва Г.Беккернинг асосий ғоялари шундан иборатки, ҳар бир инсоннинг туғма меҳнат қобилиятини таълимга сармоя киритиш, унинг билимини ривожлантириш, касб-хунарга ўргатиш, умуман олганда, одамларнинг шароити ва турмуш даражасини ошириш орқали яхшилаш мумкин. Инсон капитали шахс, фирмалар, корхоналар ва жамиятга юқори иш ҳақи ва/ёки уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш; фойдани кўпайтириш, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши шаклида, шубҳасиз, манфаатлар келтиради.

2. Ҳар қандай давлатда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз имкониятларини оширишга интилишларини рағбатлантирадиган шарт-шароитлар билан бир қаторда тегишли имкониятлар ҳам яратилиши керак. Бу борада Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсати ривожланаётган давлатлар учун ёрқин мисол бўла олади.

3. Тарбиявий, маданий ва ахлоқий сифатларини кучайтириш орқали жамият ва оила фаровонлиги ошириши учун, аҳоли ва республиканинг бутун бошқарув аппарати ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили сифатида инсон капиталининг ўрни ва ролини тушуниб, англаб етсин. Бу борада мамлакатимиз олимлари, иқтисодчилари, профессор-ўқитувчилар ва педагоглар таркибига катта масъулият юкланмоқда.

4. Бу борада мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, профессор-ўқитувчилари фаолиятида “Инсон капитали” категориясининг моҳияти ва мазмунини очиб берувчи материалларни киритиш лозим. Бунда давлат тилидаги “Иқтисодиёт назарияси” дарсликлари муаллифларига алоҳида масъулият юкланади.

5. Олий таълим муассасаларининг барча муҳандислик, техника ва қишлоқ хўжалиги йўналишлари ўқув режаларида ушбу фанни қайта тиклашни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

6. А.И.Добрынин инсон шахсиятининг мазмунини очиб, унда икки томонни ажратиб кўрсатиш кераклигини ёзади. Бизнингча, улардан ташқари, инсон хусусиятларида яна бир учинчи томонни ажратиш мақсадга мувофиқ. Яъни инсоннинг ўзига ва оиласига, фирма ва корхоналарнинг жамоа аъзоларига ҳамда мам-

лакат аҳолисига тегишли билим турлари ва касбий маҳоратини ошириш учун давлат инвестиция қилиши зарур.

7. Мақолада илгари сурилган барча қизиқтирган саволларга жавоб беришга имкон бўлма-

ди. Ўйлайманки, мақола материаллари бошқа иқтисодчиларни танқидий таҳдил қилиш, қўшимчалар киритиш ва бу борадаги тадқиқотларни давом эттиришга туртки бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.stat.uz.
2. Нигмаджанов У. Экономическая теория. – Т., 2010.
3. Абдурахмонов К. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: Фан ва технология. 2012 й.
4. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2005 й.
5. Акрамова Ш.Г. Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. // Иқтисод ва молия. 10-сон. – Т., 2011 й.
6. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фанинг роли. Илмий-оммабон рисола. – Самарқанд: СамдУ, 2015. – 83 б.
7. Хусенов С.У. "Инсон капитали" ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий таҳдили. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 5-сон, сентябрь-октябрь, 2016 йил.
8. Худойбердиев З.Р. // "Iqtisod va innovatsion tekhnologiyalar" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2019 йил.
9. Рахманов М. Своевременные инвестиции в человеческий капитал – залог достижений и прогресса. "Учинчи ренессансни шакллантиришининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: "Ilm-ziyo-zakovat" нашриёти. 2022. – 520 б.
10. Ҳашимов П., Ҳушвактова Ҳ. Инсон капиталига инвестициялар ишчи кучи сифатини оширишининг муҳим омили. "Учинчи ренессансни шакллантиришининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: "Ilm-ziyo-zakovat" нашриёти. 2022. – 520 б.
11. Гаибназаров С. "Учинчи ренессансни шакллантиришининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: "Ilm-ziyo-zakovat" нашриёти. 2022. – 520 б.
12. Абдураҳманов К.Х. Развития человеческого капитала в инновационной экономики. // "Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali" ilmiy-elektron jurnalı. 2022-yıl. Maxsus son.
13. Абдураҳманова Г., Шотурсунова Н.Н., Исмаилов У.А. Ҳотин-қизлар инсон капиталини ривожлантириши ва самарали фойдаланиш ўйналишлари. // "Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali" ilmiy-elektron jurnalı. 2022-yıl. Maxsus son.
14. Xolmatov M.M. Jamiyat rivojida inson kapitalining tutgan o'rni. // "Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali" ilmiy-elektron jurnalı. 2022-yıl. Maxsus son.
15. Петти В. Экономические и статистические работы. – М.: Соцэкиз, 1940. – 324 с.
16. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкиз, 1956. С. 490.
17. Рикардо Д. Антология экономической классики. Т. 1. – М., 1993.
18. Маркс К. Капитал. Т. 1, книга "Процесс производства капитала". – М.: Государственное издательство политической литературы, 1953.
19. Энгельгардт А. "Из деревни: 12 писем" 1872-1878 гг. – М., 1987 г. С. 130.
20. <https://kun.uz/ru/news/2019/03/13/vsemirnyy-bank-predstavil-proyekt-razvitiya-chelovecheskogo-kapitala-v-uzbekistane>
21. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело Лтд, 1995. С. 302.
22. Mincer, J. Investment in Human Capital and Personal Income Distribution. / J.Mincer. // Journal of Political Economy. 1958. Vol. 66. No. 4. PP. 281-302.
23. Schulz T. Capital Formation bi Edukathion. // Journal of Politikal Economu. 1960. P. 25.
24. Schulz T. Investment in Human Capital. // American Economic Revien. 1961, March. № 1.
25. Schultz, Theodor W. Investment in human capital: the role of education and research. – N.Y., 1971.
26. Bekert. Investment in human capital: the role of education and research. – N.Y. G. S. Investment in Human Capital: A. Theoretical Analysis. // Journal of Politikal Economy. Supplement. Oct., 1962.
27. Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis. – N.Y.: Columbia University Press for NBER, 1964.
28. Беккер Г. Экономический взгляд на жизнь. Лекция лауреата Нобелевской премии в области экономических наук за 1992 г./ Вестник. С.-Петербургского университета, серия 5, вып. 3, 1993.
29. Беккер Г.С. Теория распределения времени. // Вехи экономической жизни. Рынки факторов производства. Т.3 Под ред. В.М.Гальперина. – СПб.: Экономическая школа, 2000.
30. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – 672 с.
31. Смирнов В.Т., Сошников И.В., Романчин В.И., Скоблякова И.В. Человеческий капитал: содержание и виды, оценка и стимулирование. Монография. – М., 2005. – 513 с.
32. Добрынина А.И., Тарасевича Л.С. муҳаррирлари остида. "Иқтисодиёт назарияси" фанидан олий ўқув юртлари учун дарслик. З-таҳрир. – Питер, 2005. – 542 б.
33. Добрынин А.И., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. – СПб.: Наука, 1999. С. 39.
34. Ханнанова Т.Р. Деловая репутация и оценка человеческого капитала. // Менеджмент в России и за рубежом. 2009. № 4. С. 108.
35. Макконнелл Р., Кемпбелл Р., Брю Стенли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Пер. с англ. – М.: Республика, 1992. Т. 1. – 399 с.; т. 2. – 400 с.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида. – Т., 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.
37. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т., 2022 й.